

## ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА КОНСУЛЛИК ДИПЛОМАТИЯСИ ВА УНИ ЎРГАНИШДА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВ

*Гафурова Севара Алишеровна,  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети доценти,  
Юридик фанлар доктори (DSc)  
E-mail: sevaragafurova@mail.ru*

**Калит сўзлар:** консул, консуллик ҳимояси, консуллик дипломатияси, ҳуқуқ принциплари, ҳуқуқий норма, консуллик функциялари, институтционал принциплар, консуллик конвенцияси, консуллик рўйхати, консуллик хизмати, рақамли бошқарув, рақамли дипломатия.

Консуллик муносабатлари ўзининг специфик жиҳатларига кўра давлатлараро дипломатик муносабатларга янада ёрқин тус беради, мазкур муносабатларни теранлаштиради ва конкретлаштиради. Ўз давлати фуқароларини чет давлатларда ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқи давлатнинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, давлат суверенитетидан келиб чиқади. Шунингдек, бу ҳуқуқ, давлатларнинг миллий қонунчилигида конституциявий норма сифатида расман тасдиқланган нормалар қаторига киради. Ҳар қайси давлатнинг миллий қонунчилиги консуллик ҳимоясини амалга оширишни давлатнинг ташкисиёсий органлари ваколатига киритади.

Ҳозирги кундаги консуллик муносабатларининг тараққий этишини давлат ва унинг фуқароси ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши билан характерлаш мумкин. Айтиш мумкинки, бундай тенденция келажакда консуллик дипломатиясининг ўрни ва ролини янада такомиллаштиради.

Консуллик масалалари ўз мазмунига кўра асрлар давомида моҳиятан ўзгармаган ва консулнинг фуқарога нисбатан ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириши учун алоҳида мотивациялар зарур ҳам эмас. Бироқ, даврлар мобайнида фуқаронинг чет давлатлардаги ҳуқуқий ва ижтимоий ҳолатлари ва бундай ҳолатларда уларга консуллик ҳимоясини амалга ошириш шартшароитлари ўзгарган. Бунда бахсли масала сифатида мушкул аҳволга тушган фуқарога ҳуқуқий ёрдам/ҳимоя кўрсатиш масаласини кўрсатиш мумкин.

Айтиш жоизки, илмий жиҳатдан **концепция** бу - у ёки бу ҳодисага нисбатан қарашлар (фикрлар) тизимиdir; бирор ҳодисани тадқиқ қилиш усулидир<sup>1</sup>. Мазкур тадқиқот учун келтирилган ҳар икки таъриф ҳам ўринлидир.

<sup>1</sup> Электрон лугат. dic.academic.ru/dic.nsf/enc\_philosophy/2537/КОНЦЕПЦИЯ

Мазкур тадқиқот доирасида чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқук ва эркинликларининг консуллик ҳимояси тадқиқ қилинар экан, мазкур институт тушунчалри қаторга «консуллик дипломатияси» тушунчасини киритишни лозим топдик. Мазкур тадқиқот доирасида биз «консуллик дипломатияси»ни илмий атама сифатида Ўзбекистон Республикаси консуллик ҳуқуқи фанига киритишга лозим деб ҳисобладик.

«Консуллик дипломатияси» тушунчаси гарбда 2010 йилларда пайдо бўла бошлади. Голландиянинг «Клингендайл» халқаро муносабатлар институти илмий тўпламларида ушбу тушунча ҳуқуқшунослар томонилан урганилабошланди. Жумладан, М.О.Хаджманс фикрича консуллик дипломатияси бу консуллик (ҳуқуқий) масалалар ва консуллик фаолиятининг индивидуал жиҳатлари бўйича халқаро музокаралардир<sup>2</sup>. Тадқиқотчи изланишларини давом эттириб, консуллик дипломатияси давр талаби билан долзарб нуқтага келганлигини таъкидлаган. Айтиш жоизки, тадқиқотчи консуллик дипломатиясини икки йўналишда кузатиш мумкинлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Биринчи йўналишда давлат миқёсида жаҳон мамлакатлари ҳукumatлари консуллик фаолиятига катта эътибор қаратадилар ва уни амалий ҳамда сиёсий жиҳатдан энг мақбул восита деб қаралади. Мазкур йўналиш консуллик дипломатияси музокаралар ва давлатлар ўртасидаги консуллик кўмагини амалга оширишнинг амалий механизмини ўз ичига олади.

Иккинчи йўналишда тезкор консуллик ҳимоясини амалга ошириш деб қаралади ва бунда консуллик фаолияти давлат ички органларининг уларни қабул қилувчи давлат органлари билан алоқасини узвий боғлаб турилишини назарда тутади.

Халқаро ҳуқук фани ва унинг ривожланишига жиддий хисса қўшган Голландия тадқиқотчилари мазкур атама ва унинг қўлланилиши юзасидан кўплаб интилишлар амалга оширганлар. Уларнинг бундай интилишлари натижасида назариётчи олимлар атаманинг долзарб ва айни дамда замон талабларига мос эканлиги тасдиқлаганлар. Жумладан, мазкур атама Клингендайл халқаро муносабатлар иниститутида Майки Окано-Хаджманс (Maaike Okano-Heijmans) Консуллик ёрдамидаги ўзгаришлар ва Консуллик дипломатиясининг зарурати асарида (Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy) хозирги кундаги жаҳон ҳамжамиятидаги консулик алоқалари «консуллик дипломатияси» асосли эканлигини ва айнан шу атама билан номланишини ёқлаб чиқсан.

<sup>2</sup> Okano-Heijmans, Maaike: Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy. The Hague, Netherlands Institute of International Relations ‘Clingendael’ Clingendael Diplomacy Papers No. 26.

<sup>3</sup> Ўша манба.

М.О.Хаджманс тадқиқотларида консуллик ҳимояси тушунчасига ҳам изоҳ берилади. Унга кўра, консуллик ҳимояси бу чет давлатларда танг аҳволда қолган фуқароларга, уларнинг оиласидаги ёки уларнинг давлат ичида қолган яқинларига кўрсатиладиган ёрдамдир, дея таъриф берилади.

Тадқиқотчи қарашларини қўллаб-қувватлаб, Ж.Порцио «инқироз даврида мамлакатлар ўзаро консуллик алоқаларини янада чуқурлаштирулар, чет давлатлардаги фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш янада самаралироқ бўлишини» таъкидлайди<sup>4</sup>. Мазкур тушунча Ўзбекистон Республикаси хуқуқшунослик фанлари тизимида консуллик ҳимояси интитутини алоҳида ҳуқуқий институт сифатида академик ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш, шунингдек, амалиётга тадбиқ этишда муҳимдир. Чунки, консуллик дипломатияси тушунчаси ушбу тадқиқот ишида миллий фанимизга янги тушунча сифатида киритиш ёқланмоқда. Консуллик дипломатиясининг миллий фанимиздаги ўрни унинг консуллик ҳимояси институтининг ҳуқуқий табиатида белгиланиши лозим. Бунинг сабаби ҳар қандай ҳуқуқ институти ўз атамаларига эга бўлиб, консуллик дипломатияси мазур институтнинг айни мазмунидан келиб чиқишидадир.

**Фикримизча, консуллик фаолияти ўзининг туб моҳиятидан келиб чиқиб, тобора такомиллашгани сари консуллик дипломатиясининг шаклшамоилини ҳам яратмоқда.**

Консуллик дипломатияси атамасини миллий фанимизга жорий қилишда дипломатиянинг мавжуд йўналишлари генезисини ўрганиб чиқишига асосланилди. Жумладан, канонерок дипломатияси, доллар дипломатияси, иқтисодий (ёки савдо) дипломатияси, оммавий дипломатия, рақамли дипломатия халқ дипломатияси, диаспора дипломатияси кабилар ўрганилди. Булар орасида миллий фанимизга яқин келажакда киритилган иқтисодий дипломатия аҳамиятлидир.

Канонерок дипломатияси. Канонерок дипломатиясининг моҳияти ўз ташқи сиёсий мақсадларига эришиш учун ўз кучини намойиш этишдир. Атама тарихан жиддий ҳарбий артилерияга эга бўлган, бироқ ўзи унчалик катта бўлмаган кема «Канонерка» номи билан боғлиқдир. Ҳарбий денгиз кучларини намойиш этиш орқали ўзининг ташқи сиёсий мақсадларига эриши дипломатияси шу ном билан аталади. Тарихда XX аср бошларида АҚШ Хитой ва Лотин Америкаси давлатларига нисбатан қўллаган.

Доллар дипломатияси - дипломатиянинг бир кўриниши бўлиб, ўз мақсадларига эришиш учун иқтисодий методларни (масалан кредит бериш)

<sup>4</sup> Батафсил қаранг: Giorgio Porzio, «Consular Assistance and Protection: An EU Perspective», The Hague Journal of Diplomacy, vol. 3, no. 1, March 2008, 93–97 бетлар.

қўллашни назарда тутади. XX аср бошларида АҚШ Президенти Вильям Тафт доллар дипломатиясини маъжозий маънода доллар «ўқ вазифасини бажарадиган сиёсатдир» деб таъриф берган. Атама биринчи бор 1909 йилда АҚШ Хитойда темир йул қурилишини инвестиция ва заёмлар билан қўллаб-куватлаганда ишлатилган.

Оммавий дипломатия деганда узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, чет давлатлардаги ижтимоий фикрларни ўрганиш, ўз давлати ҳақидаги умумий маълумотларни чет давлатларда тарқатиш йўли билан миллий ташқи сиёсий мақсадларга эришига қаратилган хатти-харакатлардир. Оммавий дипломатия чет давлатлардаги муҳитни ўрганиш ва бу муҳитни юага келтираётган кучларга таъсир этиш билан миллий манфаатларни муҳофаза қиласи ва миллий хавфсизликни таъминлайди

Халқ дипломатияси кенг маъноли атама бўлиб, у халқлар ўртасидаги тарихий узлуксиз мулоқот, халқларнинг бир-бирларини билишлари, бир-бирларига таъсир этишари ва маданиятларининг ўзаро бойитишларидир.

Моки (челнок) дипломатияси давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаларидан бири бўлиб, у учинчи давлатлар иштирокидаги қатор музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади. 1974 йилда Генри Киссинжер томонидан Иеруссалим ва араб давлатлари ўртасида бошлаган қатор музокаралари кейинчалик шу атама билан аталди.

Иқтисодий дипломатия ёки савдо дипломатияси – асосида савдо иқтисодий муносабатлар турадиган дипломатик алоқалардир. Савдо дипломатияси ташқи сиёсат йўналиши сифатида Людовик XIV даврида Францияга катта иқтисодий ўсиш олиб кирган.

Дипломатиянинг бу тури глобализация жадалллашган ҳозирги кунда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бу даврада давлатларнинг ижтимоий аҳволи кўп жиҳатдан уларнинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда қатнашишлари билан боғлиқдир.

Иқтисодий дипломатия Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлар фанлари тизимида профессор И.Р.Мавлянов томонидан кенг тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирги кунда амалий дипломатиянинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ўрганилади.

Рақамли (электрон) дипломатия (инг. «[digital diplomacy](#)», e-diplomacy) – бу дипломатик вазифаларни интернет тармоғи ва инфорамцион алоқа технологиялари имкониятларидан фойдаланиш демакдир.

Рақамли дипломатия доирасида глобал тизимдаги янги медиа воситалардан, ижтимоий тармоқ ва блоглардан фойдаланилади.

Электрон дипломатияда давлат идоралари – бириняи навбатда ташқи сиёсат органлари, ва ташқи алоқалар билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар қаташади. Рақамли дипломатиянинг бошмақсади бу Интернет-

телевидение, ижтимоий тармоқлар, мобиЛЬ телефонлар орқали оммага ва сиёсий элитага қаратилган ташқи сиёсий манфаатларни ёқлаб чиқиш ва ахборот тарғибот ишларини олиб боришидир.

Диаспора дипломатияси. Диаспора – бу бирор мамлакат халқи ёки жамиятининг бир бўлаги бўлиб, у ўз келиб чиқиш мамлакатидан ташқарида жамланган аҳолисидир. Тарихда диаспораларнинг ўз давлати ҳукумати ва улар бўлиб турган давлат маъмурияти ўртасида яхши ва дўстоно кўприк бўлгани, қатор ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларга ижобий таъсир этганилигини кузатиш мумкин. Диаспора дипломатияси америка илмий доираларида айнан ана шу атама билан ўрганилади. Сўнги йилларда давлатларнинг ташқи сиёсати шаклланишининг объектив ва субъектив жиҳатларини ва унда диаспораларнинг ролини ўрганиш долзарб тадқиқотлардан саналмоқда. Бироқ, айтиш жоизки ўрганилган маълумотлрага кўра диспора дипломатияси хали ҳануз шаклланиш жараёнида бўлиб қатор тадқиқотчилар унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатларни, шунингдек стратегик аҳамиятини ўрганмоқдалар<sup>5</sup>

Назаримизда жаҳон глобализацияси жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар консуллик фаолиятининг дипломатиядаги аҳамиятини янада ошироқда. Давлатлар консуллик даражасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, агар шу ўз ўрнида ечим топмаса, дипломатик муаммо даражасига етиб қолишини олдини олишни афзал кўрадилар.

Европа тажрибаси натижаларида яққол юзага чиқсан консуллик соҳасида ҳамкорликда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш ва кўптомонлама мақсадли йўналтирилган гуруҳлар шакллантириш зарурлиги масаласига жиддий қараш керак. Зоро, мазкур масала Европа комиссияси томонидан энг эътиборга молик масала — Европа мамлакатлари фуқароларининг учинчи давлатлардаги ҳуқуқий ҳимояси масаладир<sup>6</sup>.

Консуллик дипломатияси шаклланишининг иккинчи муҳим йўналиши бу тезкор консуллик кўмаги ва уни амалга оширишда консулнинг ўз давлати ва бўлиб турган давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан узвий муносабати, шу жумладан консуллик ёзишмаларидир.

Бизнингча мазкур масала консуллик ҳимоясини амалга оширишда тезкорлик ва професионалликни талаб этади. Консул томонидан олиб

<sup>5</sup> Торреальба Альфредо Альфонсо. “Три основных подхода диаспоральной дипломатии во внешней политике”//Актуальные проблемы экономики и Права. Издательство: Татарский центр образования "Таглиммат" (Казань). 2017. № 2 (42). Стр. 154-169.

<sup>6</sup> Маълумот сифатида: Иттифоқ фуқароларининг учинчи давлаталардаги дипломатик ва консуллик ҳимояси яшил китоби (Green paper) маълумотлари Европа комиссиясига 2006 йилда тақдим этилган. Батафсил қаранг: Электрон манба Европа Комиссияси адлия масалалари сайти: [http://ec.europa.eu/justice/home/news/consulting\\_public/consular\\_protection/com\\_2006\\_71\\_2\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/justice/home/news/consulting_public/consular_protection/com_2006_71_2_en.pdf). сўнги мурожаат 14.10.2016й.

бориладиган ёзма ва оғзаки мурожаатлар ўз ҳуқуқий асосларига эга бўлса, у албатта ижобий натижа беради.

Гарбда, жумладан Голландия халқаро муносабатлар Клингендайл институтида олиб борилган тадқиқотларда ушбу иккинчи йўналишни олимлар оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлаганлар. Аникроғи, Майке Окано-Наджманс тадқиқотларида консулнинг оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши, давлат идораларига айнан оммавий ахборот воситалари орқали ҳам мурожаат қилиши ва ўз давлати фуқаролари учун ҳуқуқий тарғибот масалаларини оммавий ахборот воситалари орқали ҳам олиб бориши керак деган фикрни илгари сурган. Бунда тадқиқотчи, агар консуллик ҳимояси талаб этиладиган ҳолатларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг оммага маълум қилинса консул қабул қилувчи давлат ҳокимияти мансабдор шахсларига муаммоли масалалар тезроқ етказиб берилади деган фикрда эканлигини таъкидлаган<sup>7</sup>. Биз эса бундай фикрга тўла қўшилмаймиз. Чунки, консуллик дипломатияси бошқа турдаги дипломатиялар методлари масалан оммавий дипломатия, халқ дипломатияси иқтисодий дипломатия кабиларнинг методларидан ажралиб турадиган ўзининг туб ҳуқуқий методларига эгадир. Шу сабабли, биз консулнинг қабул қилувчи давлатининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан профессионал алоқалари, шу жумладан консуллик ёзишмаларининг такомиллашишида деб биламиз.

Консуллик дипломатияси шаклланишидаги учинчи масала бу консуллик ҳимояси кўламининг кенгайиши муносабати билан бу фаолиятнинг молиявий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласидир. Ҳозирги кунда консуллик фаолияти олдида асосий масала молия базасини яратишdir. Бунда мазкур тадқиқот доирасида бюджет маблағлари билан бир қаторда консуллик ҳимоясини такомиллаштиришга қаратилган нобюджет фонд ташкил этиш таклифини илгари сурәмиз. Бундай фонднинг ташкил этилишида Ҳукуматнинг соҳага йўналтирилган бюджет ажратмалари, Ташқи ишлар вазирлиги консуллик тушумлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оргналар томонидан ажратмалар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўнгилли равишда мунтазам ажратиб турадиган хиссалари асосида ўз жамғармасини ташкил этиши мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон майдонида консуллик ҳимоясининг аҳамияти ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ҳуқуқий нуқтаи назардан консуллик масалалари тобора кенгайиб моҳиятан аҳамиятли бўлиб бормоқда. Чунки, консуллар хусусий ҳуқуқий ва консуллик масалалари бўйича улар бўлиб турган давлат расмий идоралари билан музокаралар олиб борадилар, мазкур масалалар

<sup>7</sup> Okano-Heijmans, Maaike: Change in Consular Assistance and the Emergence of Consular Diplomacy. The Hague, Netherlands Institute of International Relations ‘Clingendael’ Clingendael Diplomacy Papers No. 26. P. 56.

юзасидан дипломатик ёзишмаларни амалга оширадилар суд ва маъмурий органларнинг иш жараёнларида иштирок этадилар ва ҳ.к. Консуллик фаолияти дипломатик характердаги фаолият эканига шубҳа йўқ. 1990 йиллар охирларидан бошлаб жаҳон ҳамжамияти тажрибасида консуллик — ҳуқуқий хизматига бўлган эҳтиёж сезиларли ортди. Консуллик хизмати дипломатик хизматнинг бир қисми сифатида консуллик фаолияти ўз давлати фуқаролари билан узвий алоқа қиласидан ҳуқуқий хизматdir.

Ҳуқуқий ёрдам, консуллик ҳимояси, фуқаронинг қийин аҳволи тушунчаларини талқин этиш эса ўз навбатида маданийят ҳуқуқий норма ва қадриятлар, иқтисодий-ҳуқуқий тартиботлар ва вафт ўлчамларига дахлдордир. Давлат ҳамиша консуллик ҳимоясини энг юқори даражада ва профессионал, таъкидлаш жоизки институционал-ҳуқуқий асосларда амалга оширишга интилади. Масалан, Канада Ташқи алоқа органи тизимида консуллик масалалари ва фавқулотда вазитларни бартараф этиш бўйича вазир ёрдамчиси лавозими мавжуд бўлса, 2009 йилдан буён Японияда Консуллик хизматлари маркази жорий этилган.

Бугунги кунда консуллик масалаларига оператив ёндашувдан кўра кўпроқ фуқаролар билан моҳиятан мулоқот қилиш ва уларнинг муаммоларига ҳуқуқий ечим топиш жараёнлари кузатилмоқда. Консуллик фаолияти томонидан ҳал этилмаган масалалар дипломатик муаммоларга айланиб кетишини олдини олиш лозим.

1963 йилги Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига кўра, фуқаролар ўз фуқаролиги мансуб давлатга ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси учун мурожаат қилишлари мумкин. Давлат эса иккинчи давлат идоралари ва ҳуқуқмати билан ўз фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида музокара олиб бориш имконига эга. Мазкур масалада давлат ташқи алоқа органлари маъсулдирлар. Зоро, улар чет мамлакатлар давлат ҳокимияти органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат ўз худуди ичida ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларига ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий ҳимоя кўрсатиш мажбуриятига эга бўлиб, бунда консуллик фаолияти энг мақбул восита саналади. Мазкур масалалар дипломатик ваколатхоналар фаолиятига тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, ўз навбатида дипломатик фаолият моҳиятига, яъни унинг ҳуқуқий фаолиятига таъсир этади. Бу эса консуллик дипломатиясининг табиатини янги ҳуқуқий мазмун билан бойитади.

Европа иттифоқи ҳамкорлиги доирасида консуллик алоқалар борасидаги дастлабки амалий қадамлар 1993 йилда - Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан консуллик масалалари бўйича Ишчи гурух CoCon (Groupe Affaires consulaires) ташкил этилган вақтдан бошланади. Консуллик масалалари бўйича Ишчи гуруҳи - CoCon энг аввало Европа иттифоқига аъзо давлатлар вакиллари,

Кенгаш Котибяти, бошқа идоралар хусусан Европа комиссияси ўртасида консуллик фаолиятига оид амалий масалаларни мұхокама қилиш форуми ҳисобланди<sup>8</sup>. Шунингдек, Европа Иттифоқи ўз фуқароларининг уларга тегишли ҳуқук ва эркинликлардан янада кенгроқ хабардор бўлишлари учун тинимсиз интилади.

Ҳар қандай давлатнинг дипломатик миссиялари ўз фуқароларининг хавфсизлиги учун хизмат қилади. Баъзи давлатларда фуқароларга ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий ҳимоя кўрсатиш масалалари сиёсий масалалардан сон жиҳатдан кўпроқ кўрсатгичга эга.

Консуллик масалалари жаҳон давлатларининг ички ва ташқи алоқа органлари фаолиятида кун тартибидаги энг дастлабки нуқталарда туради. Шу билан бирга чет давлатлардаги фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳам иккитомонлама ҳам кўптномонлама муносабатларда энг асосий вазифа бўлиши лозим. Консуллик ҳимоясининг бундай таснифлаш «консуллик дипломатияси» атамасининг фанда ва амалиётда ўринли эканлигини кўрсатиб беради.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий асослар, тушунчалар ва илмий қарашлар натижасида биз ўзимизнинг таърифни қўйидагича мазмунда келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик, яъни, «консуллик дипломатияси дипломатиянинг йўналиши бўлиб, давлат консуллик хизматининг консуллик ҳимоясини амалга оширишда зарур бўладиган ҳалқаро музокаралар, давлат ички ва ташқи органларига мурожаатлар, шу билан бирга ҳалқаро ҳуқуқий воситалар, элементлар ва манбалар йиғиндисидир. Консуллик дипломатияси консул ва зарур ҳолларда барча дипломатик мартаба эгалари томонидан қабул қилувчи давлатда юборувчи давлат фуқароларининг ҳуқук ва эркинликларини консуллик ҳимоясини амалга оширишга қаратилган расмий-ҳуқуқий ва амалий хатти-ҳаракатлардир».

Назаримизда мазкур таърифда назарий жиҳатдан консуллик фаолиятидаги зарур ҳуқуқий воситаларни, амалий жиҳатдан зарур жараёнларни (музокара, мурожаат) ва ҳуқук субъектлилиги жиҳатдан кимлар амалга ошириши ва энг муҳими у фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган эканлигини аниқ кўрсатиб берилган. Консуллик фаолиятидаги фуқаролар ҳимояси эса ўз навбатида давлат ва жамият ҳимоясини таъминлаб берадиган муҳим омилдир.

Консуллик дипломатиясини ўрганиш долзарбdir. Консуллик дипломатиясининг ҳуқуқий жиҳатлари шундаки энг аввало унинг консуллар ёки консуллик вазифалари юклатилган дипломатик мартаба экалари тмонидан амалга миллий ва ҳалқаро ҳуқук нормалари асосида амалга ошириладиган

<sup>8</sup> Maaike Okano-Heijmans. Change in consular assistance and the emergence of consular diplomacy. Netherlands institute of international relations ‘Clingendeal’. 2010. P.30

хатти-харакатларда ривожланади. Шу ўринда, консуллик хизмати амалиётидан маълум булгган БМТ Халқаро суди доирасида кўрилган қатор ишларни тилга олиш ўринли. Жумладан, 2001 йилдаги ака-ука Ла Грандлар иши (Германиянинг АҚШга қарши даъвоси асосида), 2004 йилдаги К.Авен иши (Мексиканинг АҚшга қарши даъвоси асосида)<sup>9</sup> жараёнлари Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясининг 5- ва 36-моддаларини бузиш асосида кўрилган. Ҳукуқбузарликда гумон қилиниб қамоқقا ёки хибсга олинган шахслар, агар улар чет далатлар фуқаролари бўлса, албатта уларнинг давлатлари консуллри хабардор қилиниши лозим. АҚШ томонидан бузилган ушбу норма давлатлараро судлашувгача етиб борган. Ҳар қандай давлатда консуллик ҳукуқга оид миллий ва халқаро ҳукуқий нормаларнинг бузилишини олдини олиш халқаро муносабатларни ҳукуқий жиҳатдан мусаҳкамлашга олиб келади.

Шунингдек, “консуллик дипломатияси”нинг айнан мазкур институт доирасида ўрганилиши мақсадга мувофиқлиги биринчидан, унинг амалий ва институционал характерга эгалиги; ва иккинчидан, консуллик ҳимоясини амалга оширишда асосий норматив манба сифатида ҳам дипломатик, ҳам консуллик ҳукуқи манбаларига таяниш зарур эканлиги била асосланади. “Консуллик дипломатияси”нинг ўрганилиши келгусида ҳам соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади.

Консуллик дипломатияси соҳа эгаларидан юқори профессионализм, назарий билимларнинг кенглиги, инсонийлик ва касб маҳорати каби фундаментал хусусиятларни талаб этади. Жаҳон глобализацияси таъсиридаги ўзгаришлар натижасида консуллик дипломатияси алоҳида тушунча сифатида чуқур ўрганилиши лозимлиги яққол кўзга ташланмоқда. Давлатлар консуллик масалаларига катта аҳамият бермоқдалар ва бу алоқаларда фаол иштирок этмоқдалар. Таъкидлаш жоизки консуллик ҳимояси давлат ички ва ташқи органларининг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида янада ёрқинроқ самара беради.

Халқаро муносабатлар индивидларнинг дунё бўлаб ҳаракатланишига, халқаро иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиб боришига боғлиқлиги сабабли, ҳар қандай дипломатик мартаба эгалари консуллик ҳимоясини амалга оширишга тайёр туришлари лозим. Қатор муаммоларни, жумладан халқаро болаларни ўғирлаш ёки фавқулотта вазиятлар ёрдам кўрсатиш ва фуқароларни репатриация қилишни талаб этадиган муаммоларни ҳал этишда консуллик дипломатиясидан фаол амалий ҳаракатлар талаб этилади ва шу тариқа ҳозирги кунда дунёning ҳар қайси давлати консуллик фаолиятининг кўллами ва ҳукуқий табиати “консуллик дипломатияси”нинг кенг қамровда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидламоқда.

<sup>9</sup> Ведель И.А. Дипломатическая защита и консульское содействие в международном праве/ Монография